

**БУФ ҲОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ТҮҒРИСИДА  
ШАРТНОМА №\_\_\_\_\_**

**Янгийўл шахар**

“\_\_\_\_\_” 202\_\_\_ йил

“BIOKIMYO” AJ ( бундан кейин “Иссиклик таъминоти корхонаси” деб юритилди ) номидан. Низом асосида фаолият кўрсатувчи, бошқарув раиси в.б. Аликулов А.Р. бир томондан \_\_\_\_\_ (бундан кейин “Истемолчи” деб юритилди) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари \_\_\_\_\_ иккинчи томондан, кўйдагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

**X. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

Ушбу шартнома бўйича “Иссиклик таъминоти корхонаси” буф ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришни, “Истемолчи” эса истемол қилган иссиқлик энергияси учун ҳак тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Томонлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 22 авгуустдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари ”га мувофиқ амал оширадилар.

**XI. УЗАТИЛГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ**

2.1 “Иссиклик таъминоти корхонаси” “Истемолчи” га 202\_\_\_ йил “\_\_\_”январь қунидан, 202\_\_\_ йилнинг “\_\_\_” декабрь кунигача бўлган даврда \_\_\_\_\_ Гкал/соат, \_\_\_\_\_ т/соат энг катта иссиқлик билан буф ҳолдаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга мажбур, бунда:

а) технологик эҳтиёжлар учун \_\_\_\_\_ Гкал/с \_\_\_\_\_ т/с;

б) хоналарни иситишига \_\_\_\_\_ Гкал/с, \_\_\_\_\_ т/с, ташки мухит ҳарорати \_\_\_\_\_ град.С булгандা;

2.2 “Истемолчи” га иситиши ва шамоллатиш учун “Иссиклик таъминоти корхонаси” тамонидан бериладиган иссиқлик энергияси микдори ташки мухитнинг ҳароратига караб белгиланади. Ишлаб чиқариш ва исик сув таъминоти максадлари учун эса “Истемолчи” тамонидан тақдим этилган ва “Иссиклик таъминоти корхонаси” билан келишилган бир суткалик истемол жадвалига асосан белгиланади ва йил чораклари бўйча куйидагича бўлинади:

Давр	Иссиқлик энергиясининг микдори Гкал. Тн		Жаъми узатиладиган иссиқлик энергиясининг микдори Гкал.тн	Бир суткалик узатиладиган иссиқлик энергиясининг микдори Гкал.тн
	Технологик эҳтиёжлар	Иситиши учун		
1	2	3	4	5
<i>1-чорак</i>				
Январь				
Февраль				
Март				

<b>2-чорак</b>				
Апрель				
Май				
Июнь				
<b>3- чорак</b>				
Июль				
Август				
Сентябрь				
<b>4-чорак</b>				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

### 2.3. Узатилаётган бүгнинг босими ва ҳарорати:

Бүгнинг кўрсаткичлари (тури)	Ўлчаш жойи	Босим(огиш билан) кгс/см <sup>2</sup>	Ҳарорат (огиш билан) град. <sup>0</sup> С
	Паровой коллектор		

“Истеъмолчи” тамонидан шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган иссиқлик юкламасига риоя қилган тақдирда, “Иссиқлик таъминот корхонаси” томонидан буғ босими ва ҳароратиннинг жадвалда кўрсатилган кўрсаткичлари саклаб турилиши таъминлади.

## XII. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИННИГ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.4 Иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга оширишнинг ҳисоб-китоб даври бир өй хисобланади.

“Истеъмолчи” га етказиб берилган иссиқлик энергиясининг микдори \_\_\_\_\_ Гкал да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларининг \_\_\_\_\_ кўрсаткичлари бўйича аникланади. Бүгнинг ҳарорати ва босими ўрнатилган ҳисобга олиш приборларининг \_\_\_\_\_ кўрсаткичлари бўйича аникланади.

3.2. “Иссиқлик таъминот корхонаси”нинг обьектларида ўрнатилган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари “Истеъмолчи” томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади, “Ўзстандарт” агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин шартнома асосида “Иссиқлик таъминот корхонаси” нинг хизмат кўрсатишига ўтказилади.

“Истеъмолчи” да ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари “Истеъмолчи” нинг ўзи томонидан эксплуатация килинади ва таъмирланади.

3.3. “Истеъмолчи” нинг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборлари таъмирлаш тўхтатилганда ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

3.4. Ҳисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3.10. Тұлға етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг микдори ҳисобга олиш приборларнинг күрсаткышлари бүйіча аникланади. Чеклаш вакти “Иссиқлик таъминот корхонаси” диспетчерлердік хизматининг оператив дафтаридағы ёзувлар бүйіча аникланади ҳамда иккі тамонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

3.11. Ҳисобга олиш приборлари күрсаткышларининг нотұғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда “Иссиқлик таъминот корхонаси” охирги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегиши равишда “Истеъмолчи” нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилишга мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бүйіча бажарилган қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

3.12. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вактдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бүйіча амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун “Истеъмолчи” томонидан тўловлар, ҳисоб-китоб ойидан кейинги 30 календарь куни мобайнида амалга оширилади.

3.13. Шартномавий иссиқлик юкламасини ўзgartириш “Истеъмолчи” нинг буюртмасига кўра “Иссиқлик таъминот корхонаси” томонидан ўз имкониятларидан келиб чиқкан холда амалга оширилади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 4.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:

а) иссиқлик энергиясini етказиб бериш режимини назорат қилиш, буг бериш бүйіча ҳарорат ва босими шартномавий микдорларининг  $(-, +)$  5 фоизидан ортиқ четга чиқишига йўл қўймасликни талаб қилиш;

##### 4.2. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

а) “Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Узбекистон Республикаси конунларига, “Иссиқликдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хафсизлик техникаси қоидалари” га ҳамда “Иссиқлик энергиясini фойдаланиш қоидалари” га катъий риоя қилиш;

б) иссиқлик энергияси учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда ҳак тўлаш;

в) “Иссиқлик таъминот корхонаси” билан келишмасдан иссиқлик энергияси бир соатлик юкламаларининг шартномавий микдорини оширмаслик ҳамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бүйіча тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилиш ва тармоқ буғининг олиниши микдорини оширмаслик;

г) иссиқлик истеъмоли режимга нисбатан “Иссиқлик таъминот корхонаси”нинг тезкор кўрсатмаларини бажариш;

д) иссиқликдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, кувурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи ускунларни техник жиҳатдан соз холатда саклаш;

е) иссиқлик энергияси истеъмолини вактингча тўхтатиш билан боғлик бўлган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини “Иссиқлик таъминот корхонаси” билан келишиш;

ж) “Истеъмолчи” ҳисоб-китоб тижорат амалга ошириши ҳамда белгиланган муддатларда иссиқлик ўлчаш курилмасини ўз вактида метрологик қиёслашни Ўзстандарт агентлигига бажарилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси Метрология тўғрисидаги қонуннинг 14 моддасига мувофиқ, мажбурий давлат қиёслашига жалб этиладиган ва уларнинг даврийлиги белгиланган намунивий ва ишчи ўлчаш воситалари номланган рўйхатга асосан). Ҳисобга олиш приборлари, торайтирувчи курилмалар ва арматурани “Иссиқлик таъминот корхонаси”нинг вакили билан биргалида пломбалаш, ўрнатилган

Йўқотишиларнинг ҳисоб-китоби “Иссиқлик таъминот корхонаси” “Истеъмолчи” билан биргаликда “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва буғ сарфлари меъёрларини ҳамда технологик йўқотишилар меъёрларини аниш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофик амалга оширади.

Йўқотишиларнинг ҳисоб-китоби “Истеъмолчи” билан биргаликда тармоқларининг мансублиги ҳисобга олинган ҳолда амалда оширилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.

3.5. Кўйидаги ҳолларда тармоқ буғи иссиқлик энергияси йўқотишилари “Истеъмолчи” томонидан шартномавий нархлар бўйича тўланади:

Иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилишни билан боғлик йўқотишилар ўрнини тўлдириш;

“Истеъмолчи” тармоғини унинг буюртманомаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага киради;

3.6. “Иссиқлик таъминот корхонаси” ва “Истеъмолчи” нинг иссиқлик тармоқлари баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унг йўқотишилари тарифларда ҳисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортиқча қўшимча ҳақ тўланишига йўл кўйилмайди.

3.7. Иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча харажатлари ва йўқотишилари “Истеъмолчи” нинг ҳисобига тегишли бўлади. Агар буғ “Истеъмолчи” нинг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса иссиқлик энергияси микдори электр станцияси (туман козонхонаси) коллекторида ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

3.8. “Истеъмолчи” хар ойда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткачларини ёзиб олади ва ҳар ойининг 01 санасигача истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисботни “Иссиқлик таъминот корхонаси”га тақдим этади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисботни “Истеъмолчи” томонидан белгиланган муддатда тақдим этилмаса, “Иссиқлик таъминот корхонаси” ҳисоб-китобни шартномадаги иссиқлик юкламаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси микдорони қайта ҳисоб-китоб қилиш, соз ҳолатдаги ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари биргаликда ёзиб олиниб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин амалга оширилади. Мазкур қайта ҳисоб-китоб, кейнги ҳисбот даври учун ҳисоб-китоб қилишда эътиборга олинади.

Иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисбот “Истеъмолчи” томонидан тақдим этилганидан сўнг “Иссиқлик таъминот корхонаси” томонидан “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблагичларнинг кўрсаткичи ва ҳақиқий истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича ҳисбот расмийлаштирилади (Илова), у узатилган ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг бирламчи хужжати бўлиб ҳисбланади. Ҳисобга олиш приборларнинг кўрсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар бўйича ҳисбот бир томонлама тартибда тузилади.

“Иссиқлик таъминот корхонаси” истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобни ўрнатилган шакл (5-Илова) бўйича амалга оширади ҳамда ҳисоб-варақасини ёзиб “Истеъмолчи” га топширади.

Шу билан бир вактда “Иссиқлик таъминот корхонаси” ҳисоб-варақасига асосан хизмат кўрсатувчи банк орқали “Истеъмолчи” нинг ҳисоб ракамидан актцептиз равишида ечиб олиниши учун ҳисбот ойига ҳисбланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айрилган киймат бўйича тўлов талабномасини тақдим этади.

“Истеъмолчи” хар ойда иссиқлик энергияси учун шартномавий микдорининг 100 фоизидан кам бўлмаган микдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширади.

3.9. Иссиқлик энергияси бўйича ҳисоб-китоблар куйидагилар учун амалга оширилади :

а) “Истеъмолчи” узатилган иссиқлик энергияси учун “Иссиқлик таъминот корхонаси” га 1 Гкал учун \_\_\_\_\_ сўм тўлайди.

“Истъемолчи” ни иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши туғрисида огоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ санасини (кунлар ва соатлар) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огоҳлантиришдан кейин 5 кун муддатда “Истъемолчи” иссиқлик беришдаги вактни келишиб олмаса “Иссиқлик таъминот корхонаси” ушбу вактни мустақил равишда белгилаш хукукига эга.

4.4.3. Авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чоратадбирларни кўриш учун “Иссиқлик таъминот корхонаси” узиб кўйиш сабабларини дарҳол маълум килган ҳолда, “Истъемолчи” га иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиб кўйиш хукукига эга.

#### **4.5. “Иссиқлик таъминот корхонаси” кўйидагиларга мажбур:**

а) шартномага мувофик “Истъемолчи” га иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

б) “Истъемолчи” да “Иссиқлик таъминот корхонаси” нинг обеътида ўрнатилган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларида шубҳа туғиладиган бўлса, “Иссиқлик таъминот корхонаси” белгиланган тартибда, сутканинг исталган вактида “Истъемолчи” вакилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларни кўздан кечиришини таъминлаши лозим;

в) шартномага мувофик “Истъемолчи” га иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида буғ босими ва харорати бўйича шартномавий миқдорлардан (+-) 5 фоиздан ортик четга чиқишига йўл кўймаслик;

### **V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Етказиб берилган буғ холидаги иссиқлик энергияси ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун “Истъемолчи” “Иссиқлик таъминот корхонаси” га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.2. Мазкур шартномада кўрсатилган шартлар ҳамда кўрсатилган хизматлар «Иссиқлик таъминот корхонаси» томонидан бузилганда, кечикирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган қийматнинг тўланмаган қисмидан 0.5 фоиз миқдорида «Истъемолчи»га пеня тўлайди. Пенянинг умумий қиймати ушбу шартнома қийматининг 50 (эллик) фоизидан ошмаслиги лозим. Шартноманинг форс-мажор (фавқулотда ҳолатлари) бундан мустасно.

5.3. Ушбу шартноманинг бекор қилишини ва амал қилиш муддатининг тугаши, “Иссиқлик таъминот корхонаси” ва “Истъемолчи” ни турли кўринишдаги етказилган зарарни қоплаш ва истъемол қилинган иссиқлик энергияси учун қарзларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

5.4. Иссиқлик истъемоли обьектларнинг иссиқлик тармоқларини ҳолати ва уларга хизмат кўрсатилиши бўйича жавобгарлик чегаралари “Иссиқлик таъминот корхонаси” ва “Истъемолчи” ўртасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари далолатномаси билан белгиланади (I-илова).

5.5. Иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд улардан фойдаланиш коидаларини бошқача тарзда бузиш, иссиқлик энергияси, ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгаририш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан маъмурий жазо кўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган

бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

## VI. ФОРС-МАЖОР

6.1. Томонлар куйидаги ҳолатларда иссик сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилиши тұхтатиш ёки камайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а)"Иссиқлик таъминоти корхонаси" корхонада ишлаб чиқариш зарурати туфайли ППР утказганда, табиий газнинг босими ишлаб чиқариш учун сезиларли даражада пасайиб кетганида ва электр энергияси учеб колганида "Истеъмолчи"га иссиқлик энергиясини етказиб беришни ўз буйнига олмайди ва бу ҳолатлар учун жавобгар бўлмайди.

б) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ускунларининг ишдан чиқишига сабаб бўлган табиий ҳодислари: момакалдироқ, бўрон, сув тошқини, зилзила, ёнгин, 48 соатдан ортиқ вакт мобайнида ушбу худудда иситишин лойиҳалаштириш учун хисоблар сиқилган ҳароратдан  $3^{\circ}$  Сга ва ундан ортиқ паст бўлган ҳароратда ҳавонинг узоқ вакт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида;

в) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган табиат ҳодислари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғокчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатларда;

6.2. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" тизимидағи аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлик кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб куйишига) ёки чеклашга йўл кўйилади.

6.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1.-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосига таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вактига сурилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома томонлар 202\_\_\_ йил «\_\_\_» январдан ва 202\_\_\_ йил «\_\_\_» декабргача амал қиласи.

Ушбу шартнома бир ҳил юридик кучга бўлган икки нусхада тузилади, улардан биттаси "Иссиқлик таъминоти корхонаси"да, иккинчиси эса "Истеъмолчи" да сақланади.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишувга эришиш имконияти булмаган тақдирда, низоли масалалар амалдаги қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда Хўжалик суди тамонидан ҳал килинади.

## IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

9.1. Ушбу щартномага куйидагилар илова килинади ва улар шартноманинг ажralmas қисми бўлиб хисобланади:

а) «Иссиқлик таъминоти корхонаси» ва «Истеъмолчи» ўртасида иссиқлик тармокларининг балансга мансублиги бўйича бўлинниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1-илова);

б) "Истеъмолчи" нинг ваколатланган масъул шахсини тайинлаш тўғрисида ишончнома (2-илова);

в) "Истеъмолчи" обьектлари ва иссиқлик юкламалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисида маълумотнома (3-илова);

г) "Истеъмолчи" ташки иссиқлик таъминотининг принципиал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва хисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак.

## Х. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

<p><b>«ТАЪМИНОТЧИ»</b> «Иссиклик таъминоти корхонаси» номи</p> <p>Почта манзили _____</p> <p>Хисоб раками _____</p> <p>Банк коди(МФО _____ СТИР(ИНН) _____</p> <p>Корхонанинг кодлари:</p> <p>16. КТУТ(ОКПО) бўйича корхонанинг коди _____</p> <p>17. МХОБТ(СОАТО) бўйича ўрнашган жойи коди _____</p> <p>18. МШТ(КФС) бўйича мулк шакли коди _____</p> <p>19. ТХШТ(КОПФ) бўйича ташкилий-хукукий шакли коди _____</p> <p>20. ХХТУТ(ОКОНХ) бўйича асосий иш фаолиятининг тури коди _____</p> <p>Имзо _____</p> <p>Мухр ўрни</p>	<p><b>«ИСТЕЪМОЛЧИ»</b></p> <p>Почта манзили _____</p> <p>Хисоб раками _____</p> <p>Банк коди(МФО _____ СТИР(ИНН) _____</p> <p>Корхонанинг кодлари:</p> <p>1. КТУТ(ОКПО) бўйича корхонанинг коди _____</p> <p>2. МХОБТ(СОАТО) бўйича ўрнашган жойи коди _____</p> <p>3. МШТ(КФС) бўйича мулк шакли коди _____</p> <p>4. ТХШТ(КОПФ) бўйича ташкилий-хукукий шакли коди _____</p> <p>5. ХХТУТ(ОКОНХ) бўйича асосий иш фаолиятининг тури коди _____</p> <p>6. Тармокларнинг номи</p> <p>7. Жорий вактдаги тарифлар _____ сум 8. Истемолчининг тариф гурухи _____</p> <p>Изоҳ: Тамонлар, ушбу банда курсатилган (корхонанинг номи, манзили, хисоб раками ва хаказо) маълумотларга узгартеришлар киритилгандиги уз вактида огохлантиришга мажбурдирлар.</p> <p>Имзо _____</p> <p>Мухр урни</p>
---	--

Хукукшунос хуносаси: \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.Ш)

КЕЛИШДИ  
«BIOKIMYO» AJ  
Бошкарув раиси в.б.

P.A. Аликулов



КЕЛИШДИ  
Ўзбекистон Республикаси Монополияяга  
қарши курашиб кумитасининг Тошкент  
вилояти худудий бошкармаси

Ж. Исмаилов

